

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 62 (7.055). Sotuvda erkin narxda

БУГУНГИ СОНДА:

Ўзбекистон - Малайзия 7:0



(4-саҳифада)

Мўъжизавий неъмат машаққати

(3-саҳифада)




Дунё саҳнасида

(3-саҳифада)

Куннинг муҳим воқеалари

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси Қонунчилик палатасининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдаги қонун йўжаклари мониторингинг институтининг билан ҳамкорликда "Қишлоқ ҳўжалиги учун мўлжалланган ердан фойдаланиш самарадорлигини қонунчилик асосида таъминлаш" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказди.
- Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Ҳомийлар ва шифокорлар йилга бағишланган қишлоқ меҳнатчиларининг спартаксидасининг мамлакат босқичи мусобақалари ўтказилди.
- Фарғона давлат университетининг Республика ёш олим ва иқтидорли талабаларининг "Ақл-заковатимиз - сенга, Она-Ватан!" мавзусидаги илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.
- Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон хотин-қизлар ташкилотлари форумида мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш истиқболлари муҳокама қилинди.
- "Dedeman Silk Road Tashkent" меҳмонхонасида Ўзбекистон-Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда тиббий кўмакка муҳтож болалар ва ўсмирлар томонидан тайёрланган бадий буюмларнинг кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди.
- Пойтахтимизда ювенал адлия тизимида адвокатларнинг роли ва ўрнига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.
- Ўзбекистон Фарғона академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустахкамлиги институтининг "Механиканинг замонавий муаммолари ва келажак" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.
- Фарғонада Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Республика "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" жамғармалари ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган "Аёл баркамол авлод мураббийси" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.



Урол Эргашев уста механизатор. У шу касбини улуғлаб элдан кам бўлмаётганидан мамнун. -Худого шукр, шу техниканинг орқасидан рўзгоримиз, бут, - дейди у. -Бировдан олдин, бировдан кейин дегандай. Урол Эргашев ҳозирги кунда Қамаш туманидаги "Чори бобо" фермер ҳўжалигида фаолият кўрсатапти. Механизатор техникаси билан нафақат ўзи ишлайётган ҳўжаликнинг 24 гектар майдонига ишлов беради, балки қўшни фермерларга ҳам шартнома асосида яқиндан кўмак бериб келапти.

Суратда: механизатор Урол Эргашев.

Юракдаги нурли умидлар

Бухоро туманидаги "Янги ҳаёт" қишлоқ фуқаролар йиғини худудида яшовчи Убайдуллаевлар хонадонининг ҳақида гап кетгудек бўлса, шу йилнинг қошидаги "Туркон" маҳалласи оқсоқоли Расул ака Ёдгоровнинг чеҳраси ёришиб кетади.

—Хонадон эгаси Хасанжон меҳнатқаш, муҳими, яхши оила соҳиби, - дейди у. - Га-лаосидаги "47-МКК" ҳиссадорлик жамиятида электрпай-вандловчи бўлиб ишлайди. Умр йўлдоши Норжон Иноя-това билан уч фарзандни во-яга етказаяпти. Қизлари Но-иланинг гўлдай ҳунари бор. Тикувчилик қилади. Тўқин деган ўғиллари дурадгор-уста. Равшанжон эса хали ўқувчи. Аммо, мен сизга айт-сам, қишлоғимиз Хизр наза-ри тушган жой экан. Прези-дентимизнинг қадамлари етди. Бутун мамлакат кўрди, хавас қилди. Жуда хурсанд-миз.

Ун йилдан буён маҳаллага оқсоқоллик қилаётган бу ин-сон шу ерда яшаётган одам-лар кўнглидаги гапни ана шундай қисқа ва лўнда қилиб ифодалади.

—Юртбошимиз билан уч-рашганидан, у киши билан суҳбатлашганидан бехад мангунман, - дейди Норжон Иноятова. - Менга табият самимий, очикқўнғил киши-лар ёқади. Президентимиз-нинг "Фарзандларингиз, на-

бираларингизнинг бахтли бўлишларини истайман", деган сўзлари юрак-юрагимдан жой олди.

"Ҳожи" фермер ҳўжали-да ишловчи онахонининг гап-ларини Юртбошимиз билан учрашган Зулхумор Норова-нинг дил сўзлари тўлдирди.

—Президен-тимиз билан учрашув кучи-мизга куч, ру-ҳимизга рух қўшди, - дейди "Ғани Пўлат" фермер ҳўжа-лиги аъзоси Зулхумор опа. - Беш қиз, бир ўғлим бор. Турмушга узатган қизларим, шукр, ўзларига тинч. Уч гек-тар пахта майдонини шартно-ма асосида олиб ишлаяпмиз. Маош вақтида қўлимизга те-гапти. Бу ёгда томорқа, мол-ҳол дегандек... Шукр, турму-шимиздан нолийдиган жойи-миз йўқ.

"Ғани Пўлат" фермер ҳўжалиги ҳисобига 41 гектар ер бор. Шунинг 16 гектарида пахта, 25 гектарида бугдой етиштирилмоқда. Бултур пахта тайёрлаш шартнома режа-си 150 фозига бажарилган. Чопиқ ва ҳайдов техникасига

эга фермер дастлабки йил-даёқ ширкат ҳўжалигидан "ме-рос" бўлиб ўтган 7 миллион сўмлик қарзни узди. Бир сўз билан айтганда, фермер қад-ростлаш палласини бошдан кечираяпти. Фермернинг 1 май ҳолатида ўз аъзоларидан маош бўйича қарзи йўқ де-сақ, кўп нарса тушунарли бўлади, албатта.

"Туркон" маҳалласида 3340 нафар аҳоли яшайди. Маҳал-ла тўлиқ газлаштирилган. Ичимлик сув таъминоти чет-дан ташиб келтириш усулида йўлга қўйилган. Маҳаллада тикувчилик, ду-тидорлик, те-мирчилик, це-хлари, 16 та сав-до дўкони, 13 та тегирмон ва маиший хизмат шохобчалари ишлаб турибди. Пахта ва дон-чиликка иختисослашганидан ташқари, бодгорчилик соҳа-сидаги 22 та фермер ҳўжали-ги бор.

"Янги ҳаёт" қишлоқ фуқа-ролар йиғини раиси Бахтиёр Шариповнинг билдиришича, худудда яшовчи 8263 нафар аҳоли тинч меҳнат, бунёдкор-лик ишлари билан банд.

—Фуқароларимиз Баҳоуд-дин Нақшбанд ҳазратларининг "Кўл ишда, кўнғил Ол-лоҳда бўлсин", деган ҳикमत-ларига амал қилиб яшайти-лар, - дейди у.

Оқсоқол ўзи сезган-сез-маган ҳолда гапни ҳалол меҳ-

нат, диёнат, кўнғил тозалиги мавзусига бурди. Бугунги кунда нафақат юртдошлари-миз, балки хорижликлар ҳам Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд бобомиз мангу қўним толган маскан зиёратига ошкикай-ганликларининг гувоҳимиз. Ҳукуматимиз томонидан обод этилган бу муқаддас қадма-жо ҳар лаҳза умрнинг ўткин-чилигини, киши ўзидан фа-қат яхши ном қолдириши лозимлигини эслатиб туради. Одамдан эзгу ном қолмоғи учун эса руҳ тоза бўлмоғи ке-рак. Шу маънода, улғур пир қадамжосига руҳий покланиш сари талпинаётган кўнғиллар тилиги, албатта, иқобат топади.

—Юртбошимиз зиёратгоҳ-да бўлиб, ана шулар ҳақида фикр юритганликларини теле-видение орқали кўриб, дилим янада равшан тортиди, - дейди ромитанлик юз ёшдан ошган онахон Зулайхо Ниёзова. - Шўролар даврида зиёратгоҳлар хароб аҳволда тушиб қолганди. Юртбоши-мизга, савобталаб инсонлар-га раҳмат. Қандай яхши кун-лар келди-я...

Ҳа, бугун қадим ва навқир-он Бухоро бунёдкорлик оғушида. Шаҳар маданият ва истироҳат боғида Сомониий-лар мақбараси, Чашмаи Аюб каби ноёб обидаларга уйғун ҳолда бунёд этилган янги Хотира майдони, замонавий коллеж бинолари, кўркам тиб-бий қошоно, вилоят диаг-ностика маркази - буларнинг бари шариף шаҳар кўчаси-га узукка кўз қўйгандек яра-шиб тушди.

Кўли меҳнатда, кўнғил Оллоҳ ёди билан бўлган ин-сонларнинг эл-юрт равнақи йўлидаги ишлари юраклар-даги нурли умидларнинг ушалишига олиб келиши шубҳасиз.

Истам ИБРОҲИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Сурхонлик пиллачилар муваффақияти

Деҳқонларда бир гап бор: пилла илк ҳосил. Пилла бажарилдими, йил барақали бошланибди, ишлар ўнгидан келибди. Сурхон аҳли оқ ниятига етди, рес-публикада биринчи бўлиб пилла тайёрлаш шартно-мавий режаси бажарилди. "Қумуш тола"чилар 1060 тонналик хирмон яратти. Бу ўтган йилдагидан 100 тонна кўп демакдир.

Яширининг ҳождати йўқ, илгари пилла идоралари қарз-га ботиб, пиллачи меҳнат ҳақини ололмади сарсон эди. Бу йил-чи? Тамоман бошқача. Вазирлар Маҳкамаси пилла етиш-тиришига йил бо-эйтибор қаратди. Ипак қуртининг ҳа-қутиси учун тарка-тилаётган пайтаёқ энг камиди 10000 сўмдан маблаг берилди. Пиллачилар иш бошлашлари билан ҳомий фермер-лар, тадбиркорлар эътиборида бўлди. Барг керакми, ёғ-мой-га эҳтиёж борми, оилага ун дарқорми... барча шариёт яра-тилди. Тўғриси, пиллачилар ҳалигача бундай кўмагу ёрдам-ни кўрмаган эдилар. Бугун улар мамнун. Бу йилдан келгуси йилга ҳам замин яратилди. Энди йилдан-йилга ипак қурти боқиб, оиласига даромаду фаровонлик келтирадиганлар сафи кенгайиб бораверади.

Бу йил ипак қурти парвариши уюшқоқлик билан ташкил этилди. 20130 оилавий авенога 23330 қурти кўрт тарқатилди. Воҳага "Ўзбекистон-5", "Ўзбекистон-6" каби бир неча ҳосил-дор зотлар уруги келтирилди.

(Давоми 2-бетда)

Мамлакатимизда тўлақон-ли бозор инфратузилмасини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратил-моқда. Унинг энг муҳим та-лабларидан бири бўлган соғ-лом рақобат муҳитини шакл-лантириш ва ҳимоя қилиш, тад-биркорлик ва кичик бизнеснинг жадал ривожига ҳам доимий эъти-борда.

Чунки энди фаолият бошлаётган тадбиркорлик субъекти билан кад-дини тиклаб олган ёки табиий мо-нопол корхоналарнинг имконияти бир хил эмас. Ҳақиқий бозор эса уларнинг барчаси эркин фаолият юритиши учун мўътадил ва тенг ша-роит ўрнатилишини тақозо қилади. Шу боис мамлакатимизда бу жара-ённинг мустаҳкам қонунчилик асо-слари яратилган. 1996 йилда қабул қилинган "Товар бозорларида моно-полистик фаолиятни чеклаш ва ра-қобат тўғрисида"ги, 1999 йилда қабул қилинган "Табиий монополиялар тўғрисида"ги каби қонун ва меъёрий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Қонунчиликка мувофиқ, хар бир тадбиркор ўз маҳсулоти ёки хизма-ти билан бозорга эркин кириш им-кониятига эга. Шунингдек, бозор-нинг барқарор фаолият кўрсатиши-га, рақобатни ривожлантириши-га тўқинчилик қилувчи ва истемолчи-ларнинг қонуний манфаатларига за-рар етказувчи битимлар тузиш, нарх-

Монопол устунликни суиистеъмом қилишга йўл йўқ

лар ва тарифларни суъвий ошириш қатъиян ман этилади. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда иқтисоди-етимизда мавжуд табиий монопол корхоналарнинг монопол макеидан фойдаланиб, бошқа субъектларнинг йўлини тўсишга ёки уларга зарар етказишига йўл қўйилмайди.

Аммо эркин бозор иқтисодиети-нинг бу тамойилини барча бирдек тушу-ниб, унга амал қил-япти, деб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Моно-полиядан чиқариш, рақобат ва тад-биркорликни қўллаб-қувватлаш дав-лат кўмитаси бундай ҳолларга бар-ҳам бериш борасида изчил чора-тад-бирларни амалга оширяпти.

- Бу жараёнда, айниқса, тадбир-корлар манфаатини ҳимоя қилиш жуда муҳим ўрин тутайди, - дейди

қўмитанинг табиий монополиялар фаолиятини тартибга солиш бошқар-маси бошлиғи Олим Ҳакимов ўЗА муҳбирига. - Табиий монопол кор-хоналар фаолиятининг қонун талаб-ларига риоя этишини назорат қилиб боришни бозорда фаолият кўрсата-ётган тадбиркорларнинг манфаатла-рини ҳимоя қилиш масалалари би-лан бирга олиб бор-моқдамиз. Мисол учун, "Багаж-транс-сервис", "Меджиктач", "СХМ-ин-весторсервис" очик акциядорлик жа-миятлари, "Деклорант-сервис" қўшама корхонаси, "Астер", "Панси-тем" хусусий корхоналари каби тад-биркорлик субъектлари электр энергиясидан фойдаланишда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясига қаршили электр узатувчи қувватлардан узиб

қўйиш каби айрим тўсиқларга дуч келаётганлиги маълум бўлди.

Гап шундаки, мазкур субъектлар электр энергиясидан мазкур компа-нияга тегишли марказлашган электр тармоқлари орқали фойдаланади. Шу боис, улар компания билан ке-лишган ҳолда шартнома тузиб, бу-нинг учун вақтида пул тўлаб қолган. Аммо, баъзи ҳолларда компания ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармай, тадбиркорлик субъектла-рини қийин аҳволга солиб қўйган. Бу ҳол қўмита томонидан ўрганлигани-да, "Ўзбекистон темир йўллари" дав-лат акциядорлик компанияси ўз ус-тун монопол макеидан фойдаланиб, тадбиркорларни электр энергияси узатувчи қувватлардан асосси узиб қўйгани ва уларнинг манфаатига жиддий зиён етказгани аниқланди.

(Давоми 2-бетда)

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ҲўЖАЛИКАРИ РАҲБАРАРИ, ТАДБИРКОРААР ИҚҚАТИГА!

АВТОТРАНСПОРТ - КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬУТЕРИ - AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк кўтарилган фургонлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади.

6 ўриндиқ, 1,5 тонна юк кўтарувчи, "ГАЗ-330232-Фермер" автомашинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4900 литр ситимли ёпилги ташин машинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр ситимли сўт ташин машинаси

Ҳақ тўлаш-ишталган ўсқала!

"ГАЗ-3221" русумли 15 ўриндиқ микроавтобус

"ГАЗ-3307" русумли газ баллонлари ташин машинаси

"ГАЗ-3309" русумли нон ташин машинаси

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

"Қора иш"нинг "қора курси"си

Игнани ўғирлаган туяни ҳам ўғирлайди. Халқда шундай гап бор. Унинг моҳияти жуда чуқур. Аввало, огоҳ! Игнани ўғирлабдими, рўқани, дафтарни, сум-кани, товўқни ўғирладими, тўхтат!

Улғуриб қол, азобли, олис ва даҳшатли йўлга тушди у, хушёр бўл, тезроқ тўхтат, дегани. Лекин, минг афсуски, гоҳо бепарвоимиз. "Битта дафтарингни олганга шунчами? Нечта дафтар керак сенга?" "Битта товўқ учун шунча бақириб, дод солиб, милсалашиб юрибсанми?"

Фармон Ҳусенов 17 ёшда "қора курси"га ўтирди. Корон-йўллардан юра-вериб охири "қора курси"га етиб келди. "Охири" дегари. Бу бошла-ниши эди "қора курси"ларнинг. У жуда кўп вилоятлар, ту-манлар судларининг "қора курси"сини силади. Бўйши, қат-тиқми, қўллари билан ушлаб кўрди.

1967 йили Бухоро шаҳрида туғилган. 1984 йилда, 17 ёшда Бухоро вилоят Ф.Ҳўжаев туман суди томонидан 3 йил му-датга озодликдан маҳрум қилинган. Яхши отга бир қамчи. Емон отга-чи?

Фармон Ҳусенов 1986 йил яна судланди. Янги жинояти учун. 5 йил мудатга қамалди. 1992 йил 4 йил мудатга, 1996 йил 3 йил мудатга, 1998 йил 5 йил мудатга, 2001 йил 6 йил мудатга, 2005 йил эса яна. Бошининг айланиб кетади. Қамоқ-озодлик-қамоқ. Яна... яна. Назаримда, ўғри биринчи жазодаёқ кўзини очиб, дунёга озгина хушёр боқмаса, кейин кўзини очини қийин. Умр бўйи ота-онадан, оиладан, қон-қариндошлардан, элу элдошлардан кўз юмиб кетиб бора-веради.

Кўр кўрни қачон топади? Коронгида. Фармон билан Ка-мол коронгиликда бир-бирини топишди.

(Давоми 2-бетда)

Дунё кезган "Аудиён полкаси"

БУНИ ЖАЁТ ДЕЙДИЛАР...

"Жон ака"

"Қаравулон" қишлоғилик Исмомил бобонинг ўғли Мансур жондай йигит. "Жон ака" Мансуржоннинг иккинчи номи. Халқ берган, эл берган бу номни Эрактой ном бу! Мохияти оддий.

У ҳар қандай мулозаматга "жон" деб жавоб қайтаради. Болага ҳам, каттага ҳам "жон" деб ёқини кўш қўради. Тилининг учиди "жон" туради. Унинг "жон"и лаббай ўрнида. Лаббай бироз сипойирок, "жон"га етари билан бўлган. Бу лутфни ҳар қим ҳам юрагига боғлай олмайди. Бу сўзда катта меҳр, катта ҳарорат бор. "Жон" дейишга жони чиқадиганлар кўп. Мансуржоннинг "кичкина" жуссасига ярашади, бу сўз.

Одамнинг жони у инсон. Аёлига ҳам, боласига ҳам "жон" дейди. Узиникига ҳам, бегонага ҳам "жон-жон" лаб меҳр кўрсатади. Бировнинг юмушидан қочмайди.

"Каттага хизматда - кичикка иззатда", деган мақол "Жон ака"нинг белбоғи. Бу белбоғ баъзан бошига соябон, баъзан олдиди дастурхон бўлади унинг.

"Жон ака" ҳаётда беш киз, беш ўғил кўрди. У доимо "Катта хуржун елкамда, икки томони тўла юк", деб қаҳ-қаҳ уриб юрарди. Йўқчиликни қулиб ёнғадиган, тўқчиликни қулиб қутадиган одамхон инсон эди. Бирор марта етар-етмасликдан нолганини эшитмаганман раҳматлининг.

Мансур ака 50-55 ёшларида оғир касалликка чалинди. Ўғиллари, қизлари тўрт томонга олиб қолишди. Фойдаси деярли бўлмади. Бир гал Мансур акани Бухорода ёлғиз кўрдим. Ранги синиққан, хатти-харакатлари суст ҳолда борарди у.

Мансур ака, - дедим яқинига бориб. Ҳолисизгина айтилган "Жон ака, мадорим қолмади. Мени бош бекатга кузатиб қўй. Тани-жонимдан муздай тер чиқиб кетди", сўзларидан сездимки, "Жон ака" бир ҳолатда эди. Таксида кузатиб қўйдим. Орадан кўп ўтмай у казо қилди. Эшитишимча, у охириги "жон" сўзини даволочилик врачга айтибди.

Сўнги нафаси чоғида ҳамма фарзандларининг номини бирма-бир тилга олди. Барига "жон" қўшиб айтди. Жондай одам эди раҳматли!

Яхшилик узоқ яшайди, яхшилар доим хотирда. "Жон ака"нинг ҳовлисида чироқ нурафшон. Фарзандларининг олди элик ёшга етган бўлса ҳам, эл уларни "Жон ака"нинг боласи", деб эъзозлайди.

Дилмурод ЖАББОР

"Бели қатланмаган пул"

Эрмамат зикна туман электр таъминоти бўлимидан келган вакиллари илиқ қарши олди. Ичкарига таклиф қилди. Аммо улар ҳали кўп жойга киришлари кераклигини айтиб, ҳисоблагичга қарашди. Бири назар солдию:

- Ух-хў! - деди
- Тинчликми? - дедя зикна таажжубланди.

- Бизнинг дўштардаги тўлангандан ташқари, кам эмас-кўп эмас, 150 миң сўмлик токни сарфлаб юборибсиз-ку.

- Ука, пул йўқ, - дедя зорланмаётганида ўғли ховлига 70 га яқин қўйни ҳайдаб кирди.

- Ака, мана, ҳар бири 100 миң сўмлик "бели қатланмаган пул"лар оёқ чиқариб юрибди-ку. Ундай деманг, уят бўлади, - деди вакил қўйларга ишора қилиб.

- Қизик экансан-ку. Қўй сотиб, токка пул тўла, демокчимсан? Бор-э, токни узиб, симни олиб кет. Менга ток-пок керак эмас. Чироқда ҳам ўтираверман.

- Ака, унақа гапни қўйинг. Ҳар ойда қарзингизнинг ўн фоизини тўлаб турсангиз ҳам бир йилга етар-етмас қутуласиз. Бунинг учун қўй сотиш шарт эмас, - деди.

Бироқ Эрмамат зикна бунга-да кўнмади. Электрчиларни қўярда-қўймай симёғочга чиқариб: "Уз, уз, дейман. Бўлмаса эртага яна келасан. Сенлар билан ҳар уч кунда тортишишга асабим чидамайди. Тезроқ уз", деб симёғочдан уйига тортилган симни уздирди.

Туман электр таъминоти бўлимидан келганлар ҳам зикна айтганидек қилишди. Симни йиғиб, симёғочга боғлаб қўйишди. Уларнинг қишлоқдан кетганидан хабар топган Эрмамат симёғочдаги узилган симга яна бир неча метр қўшиб, қайта жойига улади. Яна аввалгидек чироқли бўлди. Бироқ тун яримдан оққанди қаттиқ шамол туриб қўранинг эшиги очилиб кетди. Бу ақлсиз жониворлар ҳам нафс балосида қўлбола қилиб уланган симнинг тагига бориб қолди. Шамолнинг зўридан сим узилиб, беш-олти қўй тоқ уриб ўлди.

Мол аччиғи - жон аччиғи, деганларидек Эрмаматнинг қўзларидан ёш оқди...

"Доктор болам, қишлоққа қайт"

Рашиднинг отаси тўсатдан оғир дардга чалиниб оламдан ўтганида, у ўн беш ёшар бола эди. Шундан сўнг онаси ҳам "Қишлоқда олий даргоҳ кўрган врач йўқ. Агар бўлганида отанг омон қолармиди, болам", дедя сиқила-сиқила бир неча ой кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди.

Ушанда қишлоқдошлари навбат билан оёқат олиб келар, кир-чирларини ювиб берарди. Онаси шўрлик икки боласининг жавдираб турган қўзларидан куч олди чоғи, оёққа турди. Болам деб, яна боз устига каттамини, Рашид-жонини ТашМИДА ўқитаман, дедя кечю кундуз ишлади. Чин дилдан қилинган орзу амалга ошиши рост экан. Рашид биринчи топширган йилёқ поятахтдаги тиббиёт олийгоҳга ўқишга қабул қилинди. Ушанда бутун қишлоқ ақли онасига қўшилиб совинди. "Энди бизнинг қишлоқда ҳам врач бўлади. Бемор болани кўтариб туман марказига чопаймиз, бу фахат ўқисан, ханақа ёрдам зарур бўлса биз берамиз", деганлар кўп бўлди. Улар ўша айтганларини бажарди ҳам. Лекин Рашид ўқини битирар чоғи ваъдага вафо қилмади. Шаҳарлик қизга ўйланиб, шу ерда қолди.

Бу воқеалардан ўн йил ўтиб Рашиднинг шаҳардаги уйда телефон қўнғирдоғи жиринглади. Бу муштирап анаизори эди. Она-бола узоқ вақт сўхбат қурди. Онаси Рашиднинг амади. Ешигида қийналганларю ваъдаларини айтиб қўз ёш тўқди. "Болам қишлоққа қайт", дедя йилгаб гўшакни қўйди.

Рашид икки-уч кундан сўнг ишларини саранжомлаб қишлоққа бориб қайтаман, дедя ишга киришди. Бироқ эртаси кунни тонг чоғи телефон яна жиринглади. Бу сафар ўқаси гўшакни тутганича хўн-хўн йилғларди.

—Онам, онам, онамин бериб қўйдик. Тўсатдан юраклари хурж қилиб оламдан ўтди.

Рашид йилгади, онасининг жонсиз танасига бош қўйиб, "Доктор боланг қишлоққа қайтди, оч кўзингни, онажон", дейишлари бесамар кетди.

Мамарасул БЕКИЕВ

(Боши 1-бетда)
Парвариш жараёнида бу ишга тажрибали пиллачиларни жалб этиш ва уларни кўрт боқишда зарур бўлган барча ашёлар, анжомлар билан таъминлашга диққат қаратилди.

Сурхонлик пиллачилар муваффақияти

Улар маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантирилди, оралари шудгорланди, ўз вақтида сўғорилиб, парваришланди. Хашаротларга қарши кимёвий дори-лар билан ишланди. Тулларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун тўлиқ агротехник тадбирлар ўтказилди. Келажакда пиллачиликни ривожлантиришни назарда тутиб, янги тўтзорлар ташкил этилди.

Муваффақиятга Қумкўрган тумани 132 тонна, Ангор тумани 129 тонна, Қизирқум тумани 94 тонна ҳисса қўшиб, пешқадамлардан бўлдилар. Вилоятнинг жанубий туманлари билан шимоллий туманлари кўрт боқиш вақтидан фарқланади. Жанубий туманлар шартнома режасини ошириб бажарган бўлса, шимоллий туманлар пиллачилари пилла териш ва топширишни қизгин олиб бораётирлар. Ҳозиргача 5000 ортиқ фермер ва 30 дан зиёд ширкат пилла тайёрлашни ўринлатиб қўйди. Айни кунларда давлатга "қумуш тола" топшириш давом этмоқда.

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қулайлик

Яна бир намунали филиал

Ўзбекистон ва Германия давлатлари ўртасида 2003 йилда имзоланган келишувга асосан Халқ банки Германия Жамғарма кассалари Фонди билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ўтган қисқа муддат ичида ҳамкорлар Халқ банкининг 5 та туман (шаҳар) филиалларини замонавий меҳел, компьютер техникалари ва бошқа жиҳозлар билан тўлиқ таъминладилар. Банкнинг бир неча етук мутахассислари Германиянинг йирик банкларида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш, миқозларга замонавий хизмат кўрсатиш йўналишларида ўз малакаларини ошириб келишди.

Фонд томонидан олиб келинган иккита замонавий автобуслардаги кўчма банклар 2004 йилдан бошлаб миқозларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Яратилаётган қулайликлар натижасида жойларда миқозларга хизмат кўрсатиш, айнисқа, кичик бизнес субъектларини кредитлашда катта утуқларга эришиляпти.

Ҳамкорликнинг иккинчи босқичида банкнинг Марказий идораси қошида Халқ банки ходимларини ўқитиш учун янги ўқув маркази очилди. Қуни кеча Фарғона вилоятдаги намунали Фарғона шаҳар филиалида миқозларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Банкнинг Фарғона шаҳар филиали Фонд ҳисобидан Германияда ишлаб чиқарилган меҳел ва замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланди ҳамда тўлиқ таъмирланди.

Эндиликда мақдур филиалда тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, айнисқа, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчи хунарамадларни кредитлаш жараёнига кенг йўл очилди.

С.БАХРОМОВ

Монопол устунликни сунистеъмол қилишга йўл йўқ

(Боши 1-бетда)
"Табиий монополиялар тўғрисида"ги қонуннинг 16-моддасида ҳаёт этилганидек, табиий монополия субъектининг тегишли товарларни ишлаб чиқариш (реализация қилиш) имконияти мавжуд бўлса, шундай товарларни ишлаб чиқариш (реализация қилиш) юзасидан айрим истеъмолчилар билан шартнома тузишни рад этиши тақиқланади. Шунингдек, "Товар бозорларида монополиястик фаолиятни неқлаш ва рақобат тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига кўра эса, устун маққени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатни қелқайдиган (ёки) бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг маффаатларини қамситган ёхуд қамситиши мумкин бўлган қўйидаги ҳаракатлари, жумладан, мул-лақ монопол бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг тегишли товари ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш имкониятлари мавжуд бўлганда шартнома тузишдан асоссиз бош тортиши тақиқланади.

Кўриниб турибдики, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси қонунчиликдаги ушбу меъёрларга қатъий амал қилмаган. Электр энергиясини электр ишлаб чиқарувчи қорхоналардан олиб, реал-лизация қилиш имконияти бўла туриб, бундан бош тортишга ҳаракат қилган. Бу эса қонунчиликнинг бузилишига олиб қелган.

Норгул АБДУРАИМОВА, Ўза мухбири.

Музейлар фестивали

Қарши шаҳридаги Муллаўйчи Тошмухамедов номли вилоят му-сиқали драма театрида Ўзбекистон музейлари фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда республика-миздаги мавжуд музей-ларнинг барчасидан ва-киллар иштирок этди ва улар турли мавзуларда-ги экспонатларини на-моийш қилишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори доирасида бўлиб ўтган бу фестивал Ватан ту-шунчасини халқимиз онгда шакллантиришда аҳамиятли-дир.

Энг ибратли оила

Қарши шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар маданият ва спорт иш-лари бўлими ва "Фидокор-лар" миллий демократик партияси шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда хал-қаро оила кўни муноса-бати билан "Энг ибрат-ли оила" кўрик-танлови ўтказилди.

Маҳаллалар сараланган, миллий-маданий марказлар-дан тавсия этилган 22 та иб-ратли оила аъзолари мақдур кўрик-танловда фаол иш-тирок эдилар. Қарши миллий маданият марказидан Пақ, Арал маҳалласидан Арслонов, Мағзон маҳалласидан Тўла-нов, Эски Анжор маҳалласи-дан Акбаровлар оила аъзо-лари танловнинг барча шат-ларини моҳирона бажариб, "Энг ибратли оила" номига сазовор бўлдилар.

Фахриддин БОЗОРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.



Бебақо гавғар

Маълумотларга кўра, ер юзининг 71 фоизини дарё ва океан сувлари ишғол қилган бўлса-да, ундаги чуқук сув миқдори атиги 2,5 фоизни ташкил этар экан. Умуман олганда, ердаги сувнинг жами захи-раси 1385984610 куб км.ни ташкил қилади. Жами сувнинг 96,5 фоизи денгиз ёки океанларда бўлиб, шўр сувдан иборат.

Чуқук сувнинг 70 фоизи муз қопламаларида, 30 фоизи эса тупроқдаги нам ёки олиш қийин бўлган ер ости қатлам-ларида жойлашган. Ер юзиди мавжуд бўлган чуқук сув захи-раларининг бир фоизидан инсоният фойдаланиши мумкин-лиги манбаларда қайд этилган.

Урмонлар сувнинг ер остига ўтиб кетишини, парланиши-ни бирмунча қамайтиради. Сув манбаини меъёрида сақла-шга хизмат қилади.

Шунингдек, арчалар ер ости сувини меъёрида тутиб ту-руви ҳазинадон ва «мироб»лик вазифасини ҳам ўтар экан. Бир гектар майдонда экилган арча атрофидида 20 гектар май-дондаги намликни сақлаб тура олади ва тоғ бағрида ўсуви буталар, турли ўт-ўланларни сувдан баҳраманд этиб, дах-шатли нураш ва сел оқими қаби хавф-хатарларнинг ҳам ол-дини олиши фанда аллақачон ўз исботини топган.

Бундан 20-30 йил аввал Китоб туманининг шарқий қисми-дан бошланадиган, тоғ ён бағридаги юзлаб чашма ва ариқ сувларидан таркиб топган Қашқа дарёси икки қирғоғини тўлдириб, хай-Амударёга қадар етиб бор-ганига гувоҳ бўлганмиз.

Дарё сувлари-дан нафақат Ки-тоб тумани, балки Шаҳрисабз, Яққабғ, Чироқчи, Қамаш-дан тортиб Қарши туманидаги дехқонлар ҳам керагича фой-даланишган. Бугунги кунда айрим чашмаларнинг кўзи беки-либ қолганими ёки бошқа сабабданми, вилоятнинг номи билан аталадиган бу дарёнинг сувлари анча қаммайб кетган.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳар йили ер қаъридан 100 млрд. тонна фойдали қазилмалар ва табиий газ, 2 млрд. тонна қўмир қазиб олинмоқда. Далаларга 92 млн. тонна ма-данли ўғит ва 2 млн. тонна захарли химикат сепаляпти. Ат-мосфера хавосига 200 млн. тонна углерод оксиди, 50 млн. тонна углеводород, 146 млн. тонна олтингургурт диоксиди, 53 млн. тонна азот оксиди, 250 млн. тонна чанг чиқарилади. Сув ҳавзаларига 32 млрд. тонна куб метр тозаланмаган сув ташлаб юборилаётган бўлса, дунё океанларига ҳар йили 10 млн. тонна нефт оқиб тушади. Ҳар йили 6-7 млн. гектардаги тупроқ зиротчилик учун яроқсиз ҳолга келмоқда.

Сўнги маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг учдан бир қисми сув захиралари етишмаслиги сезилибдиغان ёки қисман сезилибдиغان мамлакатларда яшай-ди. 2025 йилга бориб дунё аҳолисининг учдан икки қисми юқоридаги муаммо билан тўқнаш келиши тахмин қилинмоқ-да. 1990 йилнинг ўрталаридан бошлаб дунё аҳолисининг 40 фоизи яшайдиган 80 га яқин мамлакат сув тақчиллигидан азият чека бошлаган. Ер шариди истиқомат қиладиган 1,1 млрд. киши ёки жами аҳолининг 18 фоизи тоза сув олиш, 2,2 млрд. киши эса канализация тизимларидан фойдаланиш им-кониятига эга эмас. Бу асосан Осиё ва Африка қитъасига тегишли муаммодир. Тоза ичимлик сувининг тақчиллиги ёки йўқлиги натижасида турли юқумли касалликлар пайдо бўлмоқда ва йилга 3-5 млн. дан ортиқ киши мана шу касал-ликлар туйғайли ҳаётдан бевақт кўз юммоқда.


Албатта, юқоридаги рақамларни бекорга келтирмадик. Бундан ҳар биримиз оғоҳ бўлишимиз, етарли хулоса чиқар-ишимиз жоиз.

Азамат СУЮНОВ, журналист.


Сув - бу ҳаёт




Дарё сувлари-дан нафақат Ки-тоб тумани, балки Шаҳрисабз, Яққабғ, Чироқчи, Қамаш-дан тортиб Қарши туманидаги дехқонлар ҳам керагича фой-даланишган.



Дарё сувлари-дан нафақат Ки-тоб тумани, балки Шаҳрисабз, Яққабғ, Чироқчи, Қамаш-дан тортиб Қарши туманидаги дехқонлар ҳам керагича фой-даланишган.




Дарё сувлари-дан нафақат Ки-тоб тумани, балки Шаҳрисабз, Яққабғ, Чироқчи, Қамаш-дан тортиб Қарши туманидаги дехқонлар ҳам керагича фой-даланишган.




Дарё сувлари-дан нафақат Ки-тоб тумани, балки Шаҳрисабз, Яққабғ, Чироқчи, Қамаш-дан тортиб Қарши туманидаги дехқонлар ҳам керагича фой-даланишган.



Дарё сувлари-дан нафақат Ки-тоб тумани, балки Шаҳрисабз, Яққабғ, Чироқчи, Қамаш-дан тортиб Қарши туманидаги дехқонлар ҳам керагича фой-даланишган.



Дарё сувлари-дан нафақат Ки-тоб тумани, балки Шаҳрисабз, Яққабғ, Чироқчи, Қамаш-дан тортиб Қарши туманидаги дехқонлар ҳам керагича фой-даланишган.



Дарё сувлари-дан нафақат Ки-тоб тумани, балки Шаҳрисабз, Яққабғ, Чироқчи, Қамаш-дан тортиб Қарши туманидаги дехқонлар ҳам керагича фой-даланишган.



Гулноза Уринова тикувчилик касбига ёшлигидан қизиқди. Ҳозирда моҳир чевар 2006 йил-да Термиз шаҳрида янги очилган бичиш-тиқиш цехида мурабийлик қилади. Бу ерда кийим-кечак, парда ва 30 дан зиёд бошқа турдаги трикотаж маҳсулотлари тайёрланади.

СУРАТЛАРДА: Гулноза Уринова ва унинг шогирдлари Феруза Абдуллаева, Олтин Айна-заровалар.

Б.АКРАМОВ олган суратлар.

Божхона

Божхона хизмати ходимлари томонидан жорий йил-нинг биринчи чораги мобайнида юртимиз ҳудуди-дан ноқонуний равишда олиб ўтилаётган 23 миң литрдан ортиқ спирт ва алкоғоли маҳсулотлар ушлаб қолинди.

Ҳужжатдан "тушиб қолган" ароқлар


Яқинда мана шу қаби қонунбузарлик ҳолати Сурхондарё вилояти божхона боққармаси ходимлари Миллий хавфсиз-лик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тадбир натижасида аниқланди.

Вилоятнинг чегара ҳудудида жойлашган "Айритом" божхо-на назоратидан ўтказиш комплекси орқали Қозғоғистон Рес-публикасининг "Техмотор-ойл" фирмаси-дан Афғонис-тон давлатида-лардан бирига

Иўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатини бар-тарafd этиш юзасидан қўмита томонидан тегиш-ли ҳарор қабул қилинди. Натижада барча ма-чиликлар бартараф этилиб, тадбиркорлик субъектлари электр энергиясидан бемалол фой-даланиши учун имкониятлар кайта тикланди.

Кўмита томонидан бундай ҳолларга йўл қўётган қорхоналар, асосан, устун монопол маъвега эга бўлган компанияларнинг монопо-лияга қарши курашга оид қонунчиликка риоя этиши қатъий назорат қилиб бориляпти. Фа-олиятида қонунбузилишига йўл қўйган, тегиш-ли кўрсатма олган субъектларнинг бунга амал қилиши ҳам қатъий назоратга олинган.

Норгул АБДУРАИМОВА, Ўза мухбири.




Дарё сувлари-дан нафақат Ки-тоб тумани, балки Шаҳрисабз, Яққабғ, Чироқчи, Қамаш-дан тортиб Қарши туманидаги дехқонлар ҳам керагича фой-даланишган.



Дарё сувлари-дан нафақат Ки-тоб тумани, балки Шаҳрисабз, Яққабғ, Чироқчи, Қамаш-дан тортиб Қарши туманидаги дехқонлар ҳам керагича фой-даланишган.




Дарё сувлари-дан нафақат Ки-тоб тумани, балки Шаҳрисабз, Яққабғ, Чироқчи, Қамаш-дан тортиб Қарши туманидаги дехқонлар ҳам керагича фой-даланишган.



Дарё сувлари-дан нафақат Ки-тоб тумани, балки Шаҳрисабз, Яққабғ, Чироқчи, Қамаш-дан тортиб Қарши туманидаги дехқонлар ҳам керагича фой-даланишган.



Дарё сувлари-дан нафақат Ки-тоб тумани, балки Шаҳрисабз, Яққабғ, Чироқчи, Қамаш-дан тортиб Қарши туманидаги дехқонлар ҳам керагича фой-даланишган.



Дарё сувлари-дан нафақат Ки-тоб тумани, балки Шаҳрисабз, Яққабғ, Чироқчи, Қамаш-дан тортиб Қарши туманидаги дехқонлар ҳам керагича фой-даланишган.

Одамлар орасига интилиб

Саҳнадаги актёр сиймосида гоҳ тарих гавдаланади, гоҳ келажак ҳақида тасаввур пайдо бўлади. Улар ҳар бир сўзи, ҳаракати, ҳатто оддий қарашини орқали кишилар юрагига чўғ ташлашади, қалбларда озу ва умид куртакларини пайдо этади. Узи йиғлаб бировларни йиғлатади, ўзи кулиб томошабинни хушнуд этади ва ўша ҳолатлари орқали томошабин юрагига эзулик уруғларини қайдиради.

Шу сабабли айрим асар қаҳрамонларидек бўлишга интиламиш, ҳатто кўнглимизга ёққан монологларни доимо ёддан айтиб юрамиз. Бъэзи актёрларни улар муваффақиятли яратган образлари номи билан атаймиш...

Самарқанд шаҳридаги Ҳамид Олимжон номи мусиқали драма театри актрисаси Гулистон Жабборовна билан бўлган суҳбатимиз чоғида ана шулар ҳақида сўз борди. Гулистон Асли Пахтачи туманида туғилиб ўсган. Иш фаолиятини Каттакўрғон шаҳридаги Абдулхамид Масжидий номи театрида бошлаган. Кейинги пайтда Ҳамид Олимжон номи Самарқанд мусиқали драма театрида ижод қилмоқда. У "Дийнатга хиёнат" спектаклида Чинора, "Армон" пьесасида жабдийда ҳарбийнинг садоқатли хотини роллари орқали томошабинлар қалбини забт этган.

— Санъаткор ахли борки, доим одамлар орасида бўлишга, ўзи ижро этган роллар билан кишилар қалбига қолишга, уларни тўғри йўлга бошлашга интилади, — дейди Гулистон. — Бу соҳа одамлари сабрли, қаноатли бўлади. Чунки, меҳнатнинг меваси бир-икки йилда юзага чиқа қавармайди. Бунинг учун баъзан йиллаб кутишга тўғри келади.

— Санъаткор бўлиш учун санъаткор бўлиб туғилиш керак, дейишди.

— Бу гапда жон бор. Аммо иқтидор кўпчилигида бўлиши мумкин. Уни тарбиялаш лозим. Кишида истеъдод қанчалек зўр бўлмасин, агар уни намолик этиш учун имконини яратилмас, уни қўллаб-қувватлаб турадиган кишилар бўлмаса, бу истеъдод секин-аста йўқолади. Санъаткор бўлиш учун меҳнат, ўз устида изланиш, ўқиш, билим олиш, энг муҳими, юксак маънавият ва маданият эгаси бўлиш даркор.

— Ушбу омилларнинг қай бири сизда етакчилик қилган?

— Онам санъатга ихлосманд аёл, кўшиқ айтишни жудаям яхши кўради. Болалигимдан кўшиқ куйлашни, роллар ижро этишни ёқтирдим. Мактаб саҳнаси менга илк ижод пиллаюси бўлган. Жуда яхши эслаيمان. Мактаб драма тўғрарида "Бой ила хизматчи" пьесасини саҳналаштирдик. Менга Хонзода ролини беришди. Ушанда бу ролини жуда берилиб ижро этганман. Муаллимларим, мактабдаги ўқувчиларим, яъни илк томошабинларимнинг илқ фикрлари менда санъаткор бўлиш истagini пайдо этган. Энг асосийси, онам менинг санъатга бўлган қизиқишимни қадрлар, керак пайти ёрдам берди. Ташқин театр ва расомичилик институтида ўқимокчи эканлигимни айтганимда ҳам қарши чиқмаган. Ундан ташқари, мактаб ўқувчилари ўртасида ўтган кўшиқ байрамларида доимо фахрли ўринларни олиб келардим.

— Аёл санъаткор ё ишини,



фарзандлари билан спектакл томоша қилишга келишяпти. Театр санъатининг ривожига бевосита ҳалқнинг маданият савиясини белгилайдиган омиллар қаторига киради. Тўғри, бу борада ҳали мактабимиз гапирма — олмаймиз, аммо бундан 4-5 йил олдинги театрининг ҳувиллаб қолган заллари санъат шайдолари билан тўлиб бора-пти.

Иш юзасидан қўллаб-қувватланадиган бўлсамиз, пойтахт ва қўшни вилоятлардаги ҳамкасбларимиз билан суҳбатлашамиз. Улар айнан бизнинг театри тўғрисида айтишди. Негаки, бу ерга қайси бир режиссёр келиб йишласин, спектакли муваффақиятли чиқадими ва бу спектакллар аста-секин катта саҳналарда қўйилади.

— Сўнги пайтларда олис қишлоқларда спектакллар қўйиб кетганлар кўп. Бу ижодий сафарларини аҳоли қандай қабул қилмоқда?

— Театрнинг қишлоққа йўл олгани жуда маъқул бўлди. Халқимиз жонли саҳна кўришиларини соғинишган экан. Уларнинг атайин шаҳарга, театрға туширилари учун имконлари йўқ. Бизнинг ташрифимизни эса ҳалқ кўчоқ очиб қабул қилди. Дастлабки сафарини Иштихондан бошладик. Маҳалла, гузар, коллеж ва мактаблар саҳнасида қўйган спектакллардан парчаларимиз, монолог, ичакуду хангомалар, қатталаримиз аҳоли томонидан илқ қабул қилинди. Суҳбатлар, бахш-мунозаралар ўтказдик. Кейинги сафарларимиз Пахтачи, Нарпай, Каттакўрғон туманларида ҳам қизғин ўтди. Келгусида бундай гастроллар мунтазам давом этади.

— Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур.

Акром ХАЙДАРОВ, Зоҳида БОЙМАТОВА суҳбатлашдилар.

Хабарлар

Кўрик голиблари

Термиз шаҳрида "Аёл — баркамол авлод мураббийси" Республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ўртимизда аёлни қадрлаш, унинг жамиятдаги нуфузини ошириш, фаолитига эътибор қаратиш борасида қилинаётган амалий ишлар, аёлларнинг баркамол авлод тарбияси борасидаги имкониятларини янада кенгроқ намойиш этишлари учун шарт-шароитлар яратиб берилаётгани қувонарлидир.

Бугунги кунда хотин-қизларимиз оила билан бирга жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатишга қодирлар. Вилоятда аёллар фаолиятига алоҳида эътибор берилмоқда. Республика хотин-қизлар кўмитаси соврини учун "Аёл — баркамол авлод мураббийси" мавзусида танлов ўтказишдан мақсад, муваффақиятга муносиб фарзандларни тарбиялаётган оилаларни рағбатлантириш ва шароитлаштириш. Биринчи ўрин Термиз шаҳридан М.Сафаровага берилди. Иккинчи ўрин жерқўрғонлик Мамаляк Раҳмоновага насиб этди. Учинчи ўринни Ушун туманидан Мастура Маъмуржонова эгаллади.

Маҳаллаларда сайлов

Ҳар икки ярим йилда маҳаллаларда сайловлар ўтказиш қонун йўли билан бўлиб кўрилади.

Май-июн ойларига навбатдаги сайловлар ўтказилиши белгиланган. Олтинсой туманида маҳаллалар сайловлари узоқоқтин билан олиб борилмақда. Туманда 51 та маҳалла мавқуд. Сайловга жуда катта тайёргарлик билан келинди. Тимчиёв ва самарали тартиб-ташвиқот ишлари олиб борилади. Тумандаги "Оқ оптин" қишлоқ фуқаролар йўлини тасаруфидоғи маҳаллалар фаолияти энг намунали, деб тоғилган. Сайловлар очик, ошкоро, ҳамқошқатлик руҳида ўтказилмоқда. Маҳаллаларга энг муносиб оқсоқол ва масъулатчилар сайланмоқда. Бу фуқароларнинг фаолигини янада ошқирмоқда.

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ

Етти иқлим бир қадам

Олис-олис тоғлар ва қир-адирлар бағридаги Қўшарботта янги алоҳи хизматлари тўғрисида етти иқлим бир қадам бўлди, десак муболағаси йўқ.

Бундан бир неча йиллар муқаддам ўрнатилган махсус теҳник курчилар ва кабеллар эскириб, ўз муддатини ўтаб бўлганлиги учун улардан фойдаланиш жуда қийинлашиб қолган эди.

Яқинда Япониянинг "Нес" ва Хитойнинг "Хуавей" компаниялари ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган, жаҳон андозлари талабларига жавоб берадиган янги шиша тоғли 608 - русулли станция ўрнатилди.

— Эндиликда шаҳарларо ва халқаро алоҳида чўкучилар нафақат телефон станцияси, балки ўз уйдаги ёки корхона ва ташкилотдаги телефон орқали ҳам ҳеч қандай муаммосиз оғлави-б, аниқ ва тинч сўзлаша олади, — дейди ушбу телефон боғламаси муҳандиси Эркин Назаров.

Мамадйўр ЗИДИНОВ

Бундан 115 йилча аввал Андроиднинг эски шахри ва унинг атрофидаги қишлоқларда ўтказилган тўйлар, халқ сайиллари эл орасида анча машҳур санъаткор Тошмат ақоли билан бирга бўларди. У 10 ғинада танбур ва дуторни мукаммал чаладиган бўлди.

Орифжон гармон чалишни шу қадар чиройли ўрганиб олдики, энди у катта давраларда ҳам иштирок эта бошлади.

Ўтказди. Энг яхши ўйинчиларга муқофотлар таъсис этилди. Қўйинг, Ориф гармоннинг рақс майдонига ўз ўйинларини кўрсатишга ҳавасмандларнинг шу қадар кўпайиб кетганлиги боис боғдаги чойхоналар кечаси меҳмонхонага айланиб кетар эди. Ориф гармон замонавий нотани билмаган. Қуввайи хофизасининг ўта кучлилиги боис юзлаб куйларни ёддан билган. Улар орасида рус, украин, поляк, чех, озарбайжон, Кавказ халқлари мусиқалари ҳам бўлган. Бир неча бор ўша йилларда

Дунё кезган "Андижон полкаси"

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист марҳум Нусрат Иноков эл орасида Ориф гармон деб танила бошлаган йигитнинг "Жазир", "Дилхирож" каби мумтоз куйлар қаторида европаликлар мусиқасини ҳам чиройли бир тарзда чала олишини кўп бор айтган эди.

— Бизнинг ҳовлимиз эски шахарнинг қоқ ўртасида бўлиб, Рузиохоннинг боғи бўларди, — дейди болалигида Ориф гармон қатнашган давраларни кўрган меҳнат фахрийси, таниқли маданият ходими Юсуфжон ота хотиралари билан ўртоқлашар экан. — Ҳар кун Ориф гармон иштирокида боғ дарвозаси олдида ёшлар баъзи бўлар эди. Бу баъзларда ёш каби олти-етти ёшли болалар, ўспиринлар, йигитлар ва катталар ҳам гармоннинг шўх садоларига жўр бўлишиб рақсга тушишарди. Ориф гармон чаладиган куйларнинг доғруғи шу қадар эдики, шаҳар ташқарисидан ҳам йигитлар келишиб ўйинга тушиб бўйича беллашардилар.

1931 йилда эски шахарда маданият ва истироҳат боғи шў бошлади. Ориф гармон эса боғ ўртасида рақс майдони ташкил этди. Чунки у бундай майдонни янги шахарда кўп бор кўрган эди. Рақс майдонининг пайдо бўлиши Ориф гармон овозасини узоқ-узоқларга ҳам



Мерос

либ олқишларга кўйилган Орифжон Тошматов болалигидан бошланган оммавий рақс куйини қарийб 30 йил деганда "Андижон полкаси", деб номлади.

— Мен этти-саккиз ёшли бола эдим, — деб хотирлайди Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ҳожиқулов. — "Андижон полкаси"нинг доғруғи шу қадар баланд эдики, унинг овозаси она қишлоғим Булоқбошига ҳам етиб келганди.

От — йигитнинг қаноти

От жуда ҳам сезгир жонотдир. Мутахассислар фикрича, от ер қимирлаши, сел келиши, умуман, ҳар қандай хавф-хатарни иккинчи соат олдиндан билар экан.

Бундан ташқари, бу жонотда кўриш, эшитиш, ҳид ва таъм билиш хусусияти юқори даражада бўлиб, ўз ағасининг қардалигини ҳидлаб топади ёки тим қоронғида бемалол кўра олади, шу билан бирга, от сувда ҳам жуда яхши сузади. Отлар қадим замонлардан инсоният тақдирини, унинг тараққиёт босқичларига кўтарилишида муҳим ўрин тутиб келган.

Бир сўз билан айтганда, инсоннинг энг яқин ёрдамчиси, хурсандчилиғу қайғули кунларини садоқатли ҳамроҳи ҳам айнан отлар бўлган.

Энг муҳими, отлар ёрдамида кишиларга завқ бағишловчи улоқ-кўпқари келиб чиқди, мардлар майдонга тушиб, чавандоз деган ном олишди, улар номи ва улоқчи отлар тарих саҳфаларига муҳрланди.


Шундан сўнғ республикамизда федерация томонидан улоқ-кўпқари мусобақалари қўллаб ташкил этила бошлан-

ди. Федерация жорий йилда ҳам спортнинг улоқ-кўпқари тури бўйича Ўзбекистон чемпионати ва қўллаб халқаро турнирлар ўтказишни режалаштирган. "Бойсун баҳори" халқаро турнири, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"га бағишланган республика очик билимчилиги, Евро-Осиё мамлакатлари кубоги, "Туронзамин тулпорлари" халқаро турнири шулар жумласидандир.

Республика улоқ-кўпқари федерацияси бош котиби Жўрақузи Турдиматовнинг таъкидлашича, мусобақаларнинг ортимида қўллаб ўтказилиши бу миллий ўйинимизнинг тараққиёт этишига, пировардида, Ўзбекистоннинг голиб жамоасини аниқлаш, Республика миллий терма жамоаси таркибига маҳоратли чавандоз-полвонларни ва чопқир, бебаҳо отларни танлаб олиш имконини беради.

Йигит ва от куч-қудратини намойиш этувчи улоқ-кўпқари халқимизнинг маънавий бойлиғи сифатида қаралади. Азал-азалдан улоқ-кўпқари жону дилдан севган халқимиз бор экан, бу миллий спорт турининг истиқболи ҳам порлоқ бўлиб бораверади.

Раимкул СУЯРОВ



SPORT O'LAMIDA

Ўзбекистон — Малайзия 7:0

Ўртимизда муваффақиятдан сўнғ қўллаб нуфузли мусобақалар ўтказилмоқда. Шу кунгача ҳамюртларимиз бир қатор Жаҳон чемпионатлари, Осиё чемпионатлари ва халқаро турнирлар гувоҳи бўлишганди.

Ана шундай турнирлардан яна бири 21 май кунги пойтахтимизда бошланди. "Ўзбекистон" спорт мажмуасида ташкиллаштирилган футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионатида қитъанинғ ўн олти кўчли терма жамоаси голиблик учун кураш олиб боради. Чемпионатнинг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мирабдор Усмонов ҳамда Осиё футбол Конфедерацияси вакили Жун Жи Огуларлар иштирок этишди ва иштирокчиларни қўллаб, уларга омад тилашди.

Шундан сўнғ, майдонда Осиёнинг етти қарра чемпиони Эрон ва Туркманистон терма жамоалари саф тортди. Анча йиллардан буюн қитъада футбол бўйича ажойиб натижаларни қайд этиб келаётган Эрон терма жамоаси, шубҳасиз, бу учрашувда ҳам фаворит сифатида эътироф этилганди ва ҳисоб ҳам шунга яраша бўлди.

Дастлабки голини ўз дарвозасига йўллаб қўйган туркманистонлик футболчилар учрашув якунигача яна ўн учта жаовбсиз тўп ўтказиб юборишди. Биринчи ўйиндаёқ 14:0 ҳисобида галаба қозонган Эрон терма жамоаси бу галги Осиё чемпионатида ҳам совринли ўринлар учун курашишни яна бир бор рақиб жамоаларга эслатиб қўйди.

Швеция — жаҳон чемпиони

Ригада хоккей бўйича 70-Жаҳон чемпионати якунида. Финалда Чехия терма жамоасига қарши баҳс олиб борган Швеция 0:4 ҳисобида галаба қозонди. Сўнги бор жаҳон чемпионлигини 1998 йилда қўлга киритган Швеция жорий йилдаги Турин қишки Олимпиадасида ҳам чемпионликка эгалик қилганди.

Чехия термаси эса ўз тарихида биринчи бор финалда имкониятини бой берди. Мазкур чемпионатга қадар беш бор финалга йўл олган чехлар ўша учрашувларни галаба билан якунли олишганди. Бронза медал учун кечган ўйинда Финляндия терма жамоаси Канадани 5:0 ҳисобида мағлуб этди.

Финляндияликлар 2001 йил кумуш медалларга эгалик қилишганди. Канада эса 2002 йилдан буюн биринчи марта Жаҳон чемпионатида совриндорлар қаторидан жой ололмади.



Римда Мартинанинғ омади келди

Биринчи тоифали Рим турнири финалида россиялик Динара Сафинага қарши баҳс рортган Мартина Ракичнинг 2:6, 5:7 ҳисобларида осонлик билан мағлуб этди.

Ярим финалда Винус Уильямсдан устун келган Мартина мутахассислар турнир голибчилиғига асосий даявогар сифатида эътироф этишганди. Динара Сафина ҳам мусобақа финалгача бўлган баҳсларда Ким Клейстерова, Елена Деметтеева ва Светлана Кузнецова каби маҳоратли теннисчилар устидан ажойиб галаба қозонганди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Швейцариялик таниқли теннисчи Мартина Хингис катта теннисга қайтганидан сўнғ биринчи совринини қўлга киритди.



Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ томонидан 2001 йилда "XAMZA-UM" МЧЖга берилган думалоқ муҳр йўқолганлиғи сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2006 йил 10 майдаги 10-0604/6148 рақамли қарори — соддаштирилган тартибдаги ажримни асосида "IKKLAHISERVIS" МЧЖга банкротлик иши қўзғатилган. Мажкур корхона кредиторларининг биринчи йиғилиши 2006 йил 25 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар Раҳматуллин кўчаси, 314-й, 212-хонада ўтказилди (Мирзо Улўбек тумани ДСИ биноси). Тел.: 162-17-82.

Тошкент шаҳар Сергели туманидан рўйхатдан ўтган "BENAZIR-BIZNES" МЧЖга 2005 йил 12 декабрда берилган УС № 000316 рақамли (реестр бўйича тартиб рақами №0606) лицензия йўқолганлиғи сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тиббиёт коллежи (ТошДавТИ) шифоконлари тиббиёт билим юрти) томонидан 1987 йилда Ишбаева Хуршида Адилевна номига берилган ИТ-И № 118229 рақамли диплом йўқолганлиғи сабабли бекор қилинади.

ООО "Элит Модел Менеджмент СНГ", адрес: Россиясида Федерация, 117049, г.Москва, Литовский б-р, д. 3 "А" аълобьялет о намерения купити акция простые и привилегированные без права голоса именные безналичные "Бюко электр тағмоқлар" ОАЖ, Бухоро ш. расположенного по адресу г. Бухара, ул.Санатчилар, 1/1 сывше 15,00 % от общего Уставного фонда.

ДХО "Мелиосукурлиштранс" Сабир Раҳимовского района преобразуется в ООО "Мелиосукурлиштранс". Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу ул.Мавзук, 293. Тел.: 398-51-71.

ООО "ABRAHANS NIHOI" Мирзо Улўбекского района г.Ташкента соошвет об уменьшения Уставного фонда с 326400000 сум до 19484300 сум.

Утерняний гос.ордер № 04-01/5561 от 19.01.1993 г. права собственности Менугтовой Факизе на квартиру, считать недействительным.

Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси университет кошдаги санаторий-профилакторий бош шифокори Ислам Акмалова волдин муҳтарамаси

ШАРОФАТ ЯНИНҒИ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси университетнинг "Декончилик ва мелиорация асослари" кафедраси собик доцентни Икром МАМАСОЛИБЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чўқур ҳамдардик билдиради.

Бош муҳаррир

ЎТКИР РАҲМАТ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Саид АХМАД, Ағтай АДИЛОВ, Ўктам БАҲНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Аграрно-комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоқда даҳдор вазириликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:

Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Наманган - 8-369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-62-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

1 - тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Ф.АБИЛОВ

Саҳифаловчилар: Р.ЕДГОРОВА, А.САФОНОВА

Бош мусаҳҳиж: Х.ТОШХУҲАЕВ